

ҲАЛИМОВ Фирдавс,

Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси
маркази директори ўринбосари

ВАҚФШУНОСЛИК СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ ВАКУФНОГО СЕКТОРА

STAGES OF DEVELOPMENT OF THE FIELD OF “WAQF” STUDIES

Аннотация: Мақолада ислом ҳуқуқи тамойилларига оид вақф ва мерос мавзусининг ўзаро алоқадорликдаги шарҳлари, фикҳ ва фатволардаги вақф мулкани бошқариш ҳуқуқининг ривожланиш босқичлари ёритиб берилган. Тарихий ҳужжатлар таҳлиliga кўра вақф мулклари юқори мартабали, нуфузли бой-бадавлат шахслар томонидан таъсис этилган. Буларга хон ва унинг оила аъзолари, йирик ер эгалари, амирлар, ислом дини арбоблари, савдогарлар кирган.

Калим сўзлар. Вақф, фикҳ, манба, Қуръон, ҳадис, китоб, тарих.

Annotation: The article analyzes and highlights the issues of waqf and inheritance in relation to the principles of Islamic law, as well as the stages of development of the right to dispose of inherited property in fiqh and fatwas. Analysis of historical documents was carried out on how waqf possessions were created by high-ranking, influential and wealthy people. These included the khan and his family members, large landowners, emirs, Islamic leaders and merchants.

Keywords. Waqf, Islamic law, manuscripts, Qur'an, hadith, book, history.

Аннотация: В статье проанализированы и освещены вопросы вакфа и наследства применительно к принципам исламского права, а также этапы развития права распоряжения наследственным имуществом в фикхе и фетвах. Проведен анализ исторических документов, как создавались вакфные владения высокопоставленными, влиятельными и богатыми людьми. В их число входили крупные землевладельцы, эмиры, ханы, исламские деятели, купцы и их семьи.

Ключевые слова. Вакф, исламское право, источники, Коран, хадис, книги, история.

КИРИШ

Вақфга оид фикҳий масалалар асосан фуруъ ал-фикҳ китобларидаги алоҳида бобларда баён қилинади. Вақф мавзусига бағишлаб ёзилган махсус китобларга мавлоно Юсуф ибн Ҳусайн Кармастийнинг “Вақф китоби” асари мисол бўла олади. Ушбу китобда қирқ иккита боб ва масалалар бор. Шунингдек, шайх имом Ҳилол ибн Яҳё Басрий (ваф. х. 245 й.) ва Хассоф Ҳанафийнинг ҳам “Вақф ҳукмлари” номли китоблари бор. Ушбу икки китоб машҳурдир [1:1].

Ҳилол ибн Яҳё ибн Салама ар-Раъйнинг “Вақф ҳукмлари” (فوقولamak) китоби [2:1] вақф мавзусида ёзилган энг муҳим ва энг қадимги китоб саналади. Китобда вақф мавзуси ҳанафий мазҳаби асосида ёритилган. Вақф мавзуси ҳам усул, ҳам фуруъ жиҳатдан ёритиб берилган бўлиб, бу усул ундан олдин тасниф этилган ҳеч бир китобда учрамайди. Ҳилол Басрий ва Хассоф Ҳанафийнинг “Вақф ҳукмлари” китоблари ўз даврида “Ҳилол ва Хассофнинг вақфи” номи билан шуҳрат қозонган. Улардан кейинги вақф мавзусига бағишлаб ёзилган ҳар бир китоб мазкур икки асарга таяниб ёзилган.

Ҳилол Басрий қаламига мансуб “Вақф ҳукмлари” китоби Имом Абу Ҳанифанинг вақфга берган ҳукмидан бошланади. Вақф/садақа қилувчи ўша вақтда вафот этган тақдирда бу мулк меросга айланиши ва жами мулкнинг учдан бирига (ёки ундан камроғига) тўғри келса вақф бўлиши, акс ҳолда шу нисбатга мувофиқлаштириш зарурияти келиб чиқиши айтиб ўтилади. Вақф қилувчи тирик бўлган тақдирда эса мулкни вақф қилувчининг мулкидан ажратиб олишда қозининг аралашуви лозим бўлиши қайд этилади. Сўнг Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммаднинг бу борадаги фарқли қарашлари зикр қилинади.

Вақф ва мерос мавзусининг ўзаро алоқадорликда шарҳланиши барча фикҳ ва фатво китобларида учрайди. Бунга сабаб бирор киши ўз мулкни вафотига боғлаб ёки ўлим тўшагида вақф қилса, бу вақф васият мақомида бўлади. Ислому ҳуқуқи тамойилларига кўра, васият қилиш мулк эгасига қарашли жами мулкнинг 1/3 қисми учун амал қилади. Киши мулкни ўлимига боғлаб вақф қилса ёки ўлим

тўшагида вақф қилса, у мулкнинг жами мулкка нисбати текширилади. Агар у 1/3 нисбатда ёки ундан озроқ бўлса, ушбу васият сўзсиз адо этилади. Аммо бундан ортиқ бўлса, буни амалга оширишнинг икки хил йўли бор: фақат учдан бирини ҳисоблаб вақф қилиш ва ундан ортигини меросхўрларга қайтариш лозим ёхуд меросхўрлар ўз ихтиёрлари билан ўз ҳақларидан кечишлари керак. Агар вақф қилувчининг бошқа мулклари ҳам бор деб ҳисобланса, у аниқ бўлгунча қутилади, бошқа меросхўрлари бор деб ҳисобланса ҳам, яна у аниқ бўлгунча қутилади ва якуний ҳукм берилмай туради.

Ҳилол Басрий қаламига мансуб “Вақф ҳукмлари” китобида вақф, мерос ва васиятўзаро боғлиқликда тушунтирилган: “Садақа (вақф) қилишидан олдин вафот этса мулкнинг барчаси мерос бўлиб қолаверади. Агар кишига закот вожиб бўлса ва уни васият қилмаган ҳолда вафот этиб қолса, меросхўрларга уни адо этиш лозим бўлмайди. Каффоратлари, назрлари бўлса ҳам, шундай. Уни адо этишни васият қилмаган бўлса, меросхўрларга уни амалга ошириш вожиб бўлмайди” [2:2].

АСОСИЙ ҚИСМ

Вақф масаласига бағишлаб ёзилган китобларни ўрганиш жараёнида ҳар бир масала аниқ мисоллар билан тушунарли тарзда баён қилинган. Шундай китоблардан ўрин олган масалалар қаторида кишининг ўз уйини масжид / қарвонсарой / қабристон қилиши ва ундан ўзи ҳам фойдаланиши, билан боғлиқ масалалар; уй ёки ерни муҳтож бир кишига ёки кўпчиликка вақф қилиб таъмир масаласини шарт қўймаган тақдирда, мулк таъмирга муҳтож бўлса, қандай йўл тутилиши, бир фарзандига ёки барча фарзандларига мулкни вақф қилганда у мулкнинг тақсмоти масаласи, ўзига вақф қилиш, вақфни идора этувчи шахс (мутавалли), гувоҳлар, ҳиссали ернинг вақфи, касал одамнинг вақфи, камбағалларга вақф қилганидан сўнг ўз фарзанди камбағаллашиб ўша мулкка муҳтож бўлиб қолса, қандай йўл тутилиши, бир қавмга вақф қилганда улардан баъзиси ёки ҳаммаси уни рад этиши, қариндошларга, қўшниларга вақф қилинганда улар орасида бойи ҳам, камбағали

ҳам бўлса, қандай йўл тутилиши каби кўплаб масалалар ёритиб берилган.

Китоб савол-жавоб услубида фатво жанрида ёзилган бўлиб, содда услуби ва аниқ масалаларга мукамал жавоблар тақдим этиши билан ажралиб туради.

Вақф масаласига бағишлаб ёзилган яна бир китоб Ҳусомиддин Умар ибн Абдулазиз ибн Моза Бухорий (х. 483-536) қаламига мансуб “Вақф” [3:1] (كتاب الوقف) китобидир. Ҳусомиддин Бухорий “Ҳидоя” асари муаллифи Бурҳониддин Марғинонийнинг устозларидан бири бўлган. Ҳусомиддин Бухорийнинг Ҳассоф қаламига мансуб “Қозининг одоби” (أدب القضاة) асарига ёзган шарҳи, катта ва кичик “Фатволар” (الفتاوى) (الكبرى والصغرى) китоблари, Шайбонийнинг катта “Мажмуа” (الجامع الكبير), кичик “Мажмуа” (الجامع الصغير) китобларига ёзган учта шарҳи машҳурдир.

Ҳусомиддин Бухорий қаламига мансуб “Вақф китоби” (كتاب الوقف) Абдуллоҳ Назир Аҳмад Музо томонидан тадқиқ этилган. Китобда баён қилинган мавзулардан айримлари вақфга далолат қилувчи лафзлар, вақф мулкчилиги масаласи, вақф ҳужжатида вақфнинг камбағалларга эканини таъкидламаган бўлса, қандай йўл тутилиши, ерини вақф қилиб, таъмир ва яхшилаш эҳтиёжи шу ер даромадидан қопланишини шарт қўйиш, вақфни ўзи учун ишлатиш, мулкнинг бир қисмини ўғлига ва унинг авлодларига вақф қилиш билан боғлиқ масалалар, муайян муддатга боғлаб вақф қилиш, мутаваллилик, гувоҳлик, вақфга вақф қилувчининг ўзи гувоҳлик қилиши, қариндошларига вақф қилиб улардан камбағалларига бериб бойларига бермасликни шарт қўйиш, сотиш ва алмаштиришни шарт қўйиш, соғлиқ вақтида мулкни фақирларга вақф қилиши, ўзининг қариндошлари орасида камбағаллар бўлган ҳолда, бой қариндоши ва унинг камбағал фарзанди бўлганда қандай йўл тутилиши, меваги хурмо дарахтлари бўлган ерини вақф қилиш каби масалалардир.

X-XIII аср Мовароуннаҳр фикҳий манбалари ичида энг салмоқлиси Шамсул-аймма Сарахсийнинг “Мабсут” номи билан машҳур бўлган “Асл” китобидир. Бу китобда вақф бобига ўша даврда ёзилган китоблардагига

нисбатан чуқурроқ ёндошилганини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Бу даврда ёзилган бошқа айрим фикҳий манбалар Алоуддин Косонийнинг “Бадоиъ ас-саноиъ” ва Бурҳониддин Марғинонийнинг 1165-1178 йиллар орасида 13 йил давомида ёзиб тугатган “Ал-Ҳидоя” (асарнинг тўлиқ номи “Ал-Ҳидоят-у-фи фуруъил фикҳ”) асаридир.

“Ҳидояшунос олим О.Қориевнинг фикрларини келтириб ўтмоқчимиз. Олимнинг “Фарғона фикҳ мактаби ва Бурҳониддин ал – Марғиноний” номли китобида Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарини дунёнинг қайси кутубхоналарида ва қандай рақам остида сақланаётгани ҳақида маълумотлар берилган. Масалан, АҚШда Принстоннинг Жарид кутубхонасида №№ 1698; 1700 ; тартиб рақами билан, Франциянинг Париж шаҳрида жойлашган Миллий кутубхонасида №№ 842-844/1; 1116; 6336; 6763; рақами билан, Германиянинг Подшолик кутубхонасида эса №№4488-4489; рақами, Англиянинг Британия музейи кутубхонасида №№ 196-198; ва Ҳинд кутубхонасида №№211-217; 85- 86; 1528-1548; рақамлари билан, Италиянинг Болония кутубхонасида № 160; тартиб рақами билан, Россиянинг Санкт Петербург кутубхонасида №№ 945;1091-1094; рақами билан сақланмоқда. Юқорида келтирилган давлатлардан ташқари, Миср, Сурия, Жазоир, Туркия, Покистон ва бошқа Шарқ мамлакатларининг кутубхоналарида ҳам “Ҳидоя” китобининг нусхалари сақланмоқда.” [4:1]

“Ҳидоя” асарининг биринчи ва иккинчи жилдларида никоҳ, талок, қулларни озод қилиш, шерикчилик ва вақф ҳуқуқи каби масалалар киритилган. Учинчи ва тўртинчи жилдларида эса, мулкӣ муносабатлар, олди-сотди, пул муаммолари, кафолат, гувоҳлик, ваколат, даъво, сулҳ, ҳомийлик ва қозиларнинг вазифалари, берилган гувоҳликдан қайтиш, иқрор бўлиш, қарз бериш, ижара, омонат шартномаси, меросни тақсимлаш, васият, овчилик, деҳқончилик ва боғдорчилик, жиноятлар, хун ҳақи тўлаш, хусусидаги масалалар киритилган.” [4:2]

Шу ўринда фуқаролик ҳуқуқи назариясидаги мулк ва мулк ҳуқуқи тушунчаси ҳақидаги маълумотларга эътибор қаратиш ўринли бўлади.

Ашёга нисбатан эганинг мутлақ ҳуқуқдорликдан келиб чиқадиган ижтимоӣ муносабатларни тартибга соладиган ва мустаҳкамлайдиган ҳуқуқӣ нормалар тизими – юридик маънодаги “мулк” тушунчаси сифатида қўлланилади. Замонавий цивилистикада шахслар томонидан табиат бойликларини, ашёларини ўзлаштириш маъносидаги мулк - мулк ҳуқуқи сифатида кўрилади.

Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ал-Ҳидоя” асарида ифодалаган фикрларига кўра, 1) Ҳаво, денгиз, саҳролар (яъни, умумга тегишли мулклар); 2) Умму валад, яъни, ўз ҳожасидан фарзанд кўрган чўри; 3) Умумжамоат жойлар, масканлар, курукликдаги ва сувдаги қатнов ерлар, масжидлар, мадрасалар, мактаблар; 4) Шариат ҳукмига кўра ҳаром қилинган, мусулмонларни диндан қайтарадиган, чалғитадиган турларга тааллуқли бўлган нарсалар хусусий мулк бўла олмайди.

“Хусусий мулкнинг вужудга келиши, ислом ҳуқуқига кўра, эгалик фуқаролик битимлари, мерос олиш ва ғаниматларга эга бўлиш орқали қўлга киритилади.” [4:3]

“Шариат нормасига мувофиқ, мулк ҳуқуқи субъект бошқариши мумкин бўлган маълум бир мол-мулкка эгалик қилгандагина пайдо бўлади. Мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи чегараланмагандир. Шунинг учун ҳам агар, бирор шахс эгаси номаълум бўлган нарсани топиб олса, у ўз ўзидан топиб олган шахсни бўла олмаган. Бинобарин, топилган нарсани эзгу мақсадларга сарф қилиш шарт бўлиб ҳисобланган(ноёб топилмалар бундан мустасно).” [4:3]

Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг “Ал-Ҳидоя” асарига Убайдулла бин Маҳбубий томонидан “Мухтасар” номли шарҳ ёзилган. Бу каби фикҳӣ қўлланмалар Вақфшунослик соҳасининг ривожланиш босқичларини ўрганишда аҳамиятга молик манбалар бўлиб хизмат қилади.

XVIII асрда ёзилган тарихӣ-ҳуқуқӣ манбалардан бўлган “Мажмаъ ал-арқам” расмӣ қоидалар тўплами ҳуқуқни ўрганиш манбаи сифатида кам тадқиқ қилинган. Бу асар бизгача етиб келган. Унда молия, ер, солиқ, ҳисоб-китобларни юритиш буйича расмӣ қоидалар ва тавсиялар берилган бўлиб, амир девонидаги

амалдорлар учун иш юритишга оид расмий қўлланма ҳисобланган. Булардан ташқари, солиқлар ва бошқа тушумлар рўйхати, харажат қайдномалари, ер мулкларини эҳсон, совға қилиш ҳужжатларининг мазмуни ва шакли XVIII асрда Бухоро амирлигидаги давлат мансаблари, уларнинг вазифалари ва сув тақсимотига оид қимматли маълумотларни олиш мумкин. Рисола маълум маънода амир Шохмурод топшириғига биноан 1789 йилда ёзилган дейиш мумкин. Беш боб ва мансаблар ҳақидаги иловадан иборат бу қўлланмада давлат девонида хизматни қандай ўташ, кирим-чиқим дафтарлари, давлатнинг маъмурий хўжалик бўлиниши тамойиллари ёритилган. Мовароуннаҳр ва Шарқ давлатларида давлат кирим-чиқимлари, хазина бойликлари миқдорини сир тутиш ва уни ўзгартириш, сохталаштиришнинг олдини олиш мақсадида фақат катта мирзоларгагина маълум бўлган девон дафтари руқумлар ва сиёқат (алоҳида рақамлар) билан ёзилган. Китобнинг иккинчи, учинчи боблари ана шундай ёзув ва унинг сирларига, тўртинчи боби - арифметика, геометрия, алгебра ҳисоб-китоблари ва қоидаларига бағишланган. Бешинчи боб - фалакиёт, арифметик ҳаракатлар жадвалидан иборат. Мансаблар ҳақидаги иловада XVIII асрда Бухоро амирлигида мавжуд бўлган 135 дан ортиқ катта ва кичик мансаблар, вазифалар ва уларнинг ваколатлари келтирилган. Рисолада шу даврдаги Бухорода мулк эгаллигининг шакллари оид маълумотлар ҳам учрайди. Жумладан, давлат ерларига деҳқонлар эгалик қилиб, солиқ тўлаганлар. Қизиғи шундаки, мўғуллар, Темур ва Темирийлар давридаги ер эгаллиги, суюрғол Манғитлар сулоласи даврида ҳам мавжуд бўлган ва унинг эгаси XVIII асрда ҳам маъмурий дахлсизликдан фойдаланган. Бу ер мулкига эгалик хизмат эвазига берилиб, меросий ҳисобланган, аммо аста-секинлик билан дахлсизлик ҳуқуқини йўқота борган. XVIII асрга келиб хизмат қилувчи табақаларга амир олдидаги хизматлари учун бериладиган муваққат ер эгаллиги - танҳо ривожлана бошлайди. Ер эгаси бундай ерларда яшовчи деҳқонлардан олинадиган солиқларни қисман ёки тўла ундириб олиш ҳуқуқига эга бўлган. Мамлакатнинг барча пул ва маблағ воситалари китобда тўрт хазина - байтул молга бўлинган. Яъни, келадиган манбаига қараб, пул воситалари тўртга бўлинган дейиш жоиздир.

Буни шартли равишда Бухоро амирлиги давлат бюджети даромад ва харажатларининг тўрт моддаси деб ҳам аташ мумкин.

Биринчиси - закот, ушр ва хумс солиқларидан келадиган маблағлар тўпланган. Назарий жиҳатдан олганда, бу маблағ камбағал фуқаро ва мискинлар учун сарфланиши лозим бўлган.

Иккинчиси (ер солиғи сифатида тўланадиган асосий давлат солиғи) - жузъя ва мусулмон бўлмаган савдогарлардан олинадиган солиқлардан тушадиган маблағлар. Бу воситалар жангчиларга, амалдор ва рухонийларга маош тўлаш ҳамда мамлакат ободончилиги учун сарфланган.

Учинчиси - хазинага кирган эгасиз мулклар уларнинг маблағлари камбағаллар, етимлар, беморларга сарфланган, унга бошқа ҳеч кимнинг ҳақи бўлмаган.

Тўртинчидан - хазинани топиб олинган мулклар ташкил этиб, закотдан фойдаланувчиларга берилган.

Китобнинг XVIII аср Бухоро амирлигининг маъмурий бўлинишини ёритиб берадиган маълумотлари ҳам қимматлидир. Унга қўра, Бухоро давлати вилоятлар, туманлар, ҳазора, ярим ҳазора, обикор, қориа, марзалардан иборат бўлган. Вилоят катта маъмурий бирлик бўлиб, у давлат бошлиғи томонидан тайинланадиган ҳокимлар томонидан бошқарилган.

Қолган маъмурий ҳудудий бирликлар суғориладиган ер миқдори асосида номланган, бундай бошқариш суғориш билан боғлиқ деҳқончилик давлатига хосдир. Европа мамлакатларида биз бундай ҳолни кўрмаймиз. Жумладан, бир қатор ариқ (канал) билан суғориладиган 100 минг таноб ер бир туманни ташкил қилган. Албатта, туманлар сони кўп бўлган. “Мажмаъул арқам”нинг сувни тақсимолашга оид қисмида Зарафшондан Қорақўлгача бўлган Бухоро амирлигининг ўн икки тумани номи келтирилган.

Бир катта ариқ билан суғориладиган 50 минг таноб ер ҳазора, 25 минг таноб ер ярим (ним) ҳазора, 10,15 минг таноб суғориладиган ер эса бирор дарёнинг обикори, 400 таноб ерга эга аҳоли яшайдиган қишлоқ қориа 3 300 таноб ва ундан кам ери бўлган жой, аҳоли яшаши ёки яшамаслигидан қатъи назар, марза деб аталган. Бухоро амирлигида маъмурий-доиравий бўлиниш асосида аҳоли сони, жўғрофий номи суғориладиган ер миқдори - таноб билан белгиланганлиги ўзига хос хусусиятдир.

“1743 йилда Муҳаммад Ҳакимбий вафот этиб, унинг ўрнига Муҳаммад Раҳимбий амир унвонини олади. Абулфайзхон ўлдирилгандан кейин эса, у 1753 йилда амир унвони билан Бухоро тахтига ўтиради. Бу сулола 1920 йилгача ҳукм суриб, инқилоб натижасида ағдарилади. Амир Шохмурод номи билан танилган Амир Маъсум ал-Маъруф ибн Дониёлбий оталиқ Шохмуродбий (1785-1800) мазкур сулоланинг давлат соҳасида қўплаб ислохотларни амалга оширган вакили бўлди. Шохмурод 1785 йилда Бухоро амири сифатида тахтга ўтиради. Унинг топшириғига биноан 1789 йилда Мирзо Боди Девон томонидан “Мажмаъ ал-арқам” (“Рақамлар ва руқумлар”) асарини ёзади.

Шохмурод солиқлардан эзилган халкнинг ҳаракати кучайган вақтда тахтга ўтирганлиги учун ҳам биринчи ислохотни солиқларни тартибга солишдан бошлади. Бутун Бухоро шаҳри аҳолисига тархон ёрлиғи бериб, ўзидан аввалги ҳукмдорлар жорий қилган, шариатга тўғри келмайдиган ёрғу, бож, тарх, тушмол, ясоқ каби солиқларни бекор қилди” [5:1].

“Аштархонийлар сулоласи ҳукмдорлари давридаги давлат мансаблари ҳақидаги маълумотларни Убайдуллахон II (1702-1711) расмий тарихини ёзган Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдуллонома”сида учратиш мумкин. Жумладан, у оталиқ, додхоҳ, маҳрам, иноқ, раис, закотчи, қоровулбеги, мухрдор, меҳтар нақиб, шайхулислом, қози, қозикалон, қози аскар, аълам, кушбеги, девонбеги, чиғатойбеги, қурчибоши, удайчи, баковул, шиғовул, мирзабоши, мироҳўр, тўқсоба, ясовул, эшик оғабоби, шогирд пеша, муниш мударрис, китобдор ва бошқалар ҳақида маълумот беради. Бу мансабларнинг кўпчилиги бошқа ўзбек ҳукмдорлари вақтида ҳам мавжуд эди. Шу билан бирга, академик Б. Аҳмедов мазкур асарда келтирилган Убайдуллахон II давридаги янги мансаблар - додхоҳ, ясовул, муфтий аскар, кушбеги кул, штурпари кабиларни ҳам эслатиб ўтадики, булар янги мансаблар эди. Юқоридаги мансабларни “Мажмаъ ал-арқам”га илова қилинган лавозимлар рўйхатига солиштирсак, мансаблар тизими иккала даврда ҳам бир хил, фақат Манғитлар даврида улар сони кўпроқ бўлганлигини кўрамиз.” [5:2]

“Мажмаъ ал-арқам” ана шундай қийматга эга ноёб рисолалардан биридир. Пайдо бўлиши амир Шохмурод ислохотлари даврига тўғри келиши ҳамда яширин давлат қоидаларини акс эттириши

унинг расмий эканлигидан далолатдир. “Мажмаъ ал-арқам” - манғитлар Бухоросидаги давлат, маъмурий, молия, фуқаролик, суд, сув ҳуқуқлари ҳақидаги йирик ҳуқуқий ёдгорлик ҳисобланади” [5:3].

Вақф мулклари бошқаруви мавзусидаги адабиётлар сирасига Туркистон жадидчилиқ ҳаракатининг таникли намоёнласи, миллий озодлик ҳаракатининг ғоявий раҳнамоларидан бири Мунаввар қори Абдурашидхонов (1878 - 1931)нинг 1922-йилда “Ҳақиқат” газетасининг 2-сонида нашр этилган “Туркистонда вақф ишлари” номли мақоласини ҳам келтириш ўринли бўлади. Мунаввар қори Абдурашидхонов мазкур мақоласида вақф бошқарувининг XX-аср бошларидаги аҳволи борасида ва ташкилий масалалар бўйича ихтилофчиларнинг қаршиликлари хусусида ўз фикрларини шундай баён этади: “Туркистонда ҳозиргача маълум бир йўлга қўйилмаган чаток ишлардан бири вақф ишларидир. Инқилобдан бери вақф ишлари учун юзларча комиссиялар тузилди. Турлук лойиҳалар ясалди. Лекин қутилган бир натижа чиқмади”. П.В. Шлыков ўзининг XX аср ислом олами давлатларининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти контекстида вақфлар” [6:1] номли мақоласида вақфлар мавзусини ёритишда **диний хайрия** атамасини қўллади. Вақфнинг моҳиятини ёритишда бу атама янги атамалардан бўлиб, хайрия инсонпараварлик хусусияти билан бирга диний мақсадга йўналтирилганлиги жиҳатидан ўзига хосдир. Муаллиф вақфнинг диний хайрия эканлиги жиҳатига эътибор қаратиб, унинг бир қарашда пайқалмайдиган жиҳатини англаганлиги яққол кўринади.

Арминий Вамберининг “Ўрта Осиёга саёҳатнома” китоби ҳам маълум маънода шарқшуносларни илмий жиҳатдан қизиқтириб, янги тадқиқотларга қўл уришларига руҳлантирган асар саналади.

“1863 йилда Арминий Вамбери ўзини турк миллатига мансуб бўлган Рашид афанди деб таништириб, Маккадан ҳаж зиёратидан қайтиб келаётган карвонга қўшилиб Эрондан Туркменистонга сафар қилади. Вамбери Хивага етиб келади ва сўнгра Қизилкум чўллари орқали Бухорои Шарифга етиб келади. 1864-йилда Самарқанд, Қарши, Карки, Андхой, Маймана, Ҳирот ва Машҳад орқали яна Техронга қайтади, сўнгра у ердан Истамбулга ўтиб, кейин

Будапешт шаҳрига ўз юртига қайтиб боради. Кўрган-кечирганлари асосида “Арминий Вамбери. Ўрта Осиёга саёхатнома” китобини нашр эттиради” [7:1]. Академик В.В. Бартольд Вамберининг бу китобидаги эронликлар, туркманлар, тожиклар ва ўзбекларга берган таърифларида “нообъектив, яъни ҳақиқий ҳолатга тўғри келмайдиган фикрлар” мавжудлигини таъкидлайди. Шунга қарамай Вамберининг бу рисоласи Европа ва Россия олимларини, жумладан профессор И. Гольдциер (1850-1921) каби шарқшуносларни илмий жиҳатдан қизиқтириб, янги тадқиқотларга қўл уришларига руҳлантирган асар саналади.

Вамбери Амир Темур қабрини зиёрат қилганлиги ва у қадамжода кечаю кундуз нўғой татар мулалари Қуръони каримни тиловат қилиб ўтиришлари ва бу хизматлари учун вақфдан яхшигина ҳақ олишлари ҳақида ёзади. Худди шунингдек, қадамжонинг мутаваллиси ҳам шу каби таъминланади, деб ёзади Вамбери.” [7:2]

Г.Ачилова ўзининг вақф борасидаги тадқиқоти натижасида жамлаган фикрларини “XIII–XIV асрга оид вақф ҳужжатларида Бухоро ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир масалаларнинг акс эттирилиши” номли мақоласида баён этар экан, вақф ҳужжатларининг тарихийлик аҳамиятига катта эътибор қаратади. Бу унинг қуйидаги фикрларида ўз ифодасини топади: “Бугунги кунда Мовароуннаҳрнинг XIII–XIV аср биринчи ярми ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ёритишда ушбу давр манбаларида мавжуд бўлган маълумотлар етарли эмас. Чунки чиғатойлар тарихини ёритувчи маҳаллий манба Жамол Қарший ҳамда Эрондаги Хулагулар (1256–1388) давлати тарихчилари Рашидиддин, Вассаф ва Жувайнийларнинг асарларида, асосан, Чингизхон томонидан барпо этилган империянинг сиёсий тарихи, подшолик хронологияси, Чингизхон ворислари ўртасидаги ўзаро курашлар ҳақидаги маълумотларгина келтирилади. Бўйсундирилган халқларнинг турмуш тарзи, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳолати масалаларига эса деярли эътибор қаратилмайди. Шу туфайли бундай маълумотларга эга бўлиш учун ушбу давр

расмий ҳужжатларига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир”. [8:1]

Вақф бошқариш шакллари ва услублари масаласида мазкур мақолада шу мавзуга тааллуқли бир неча назарий қарашлар баён этилган. Мақолада вақф ҳужжатлари, жумладан “1299 ва 1326–1334 ҳижрий йилларда Бухорода тузилган вақф ҳужжатлари орқали бу даврда нафақат Бухорода, балки Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларида ҳам мавжуд бўлган ижтимоий гуруҳлар – ер эгалари, диндорлар, заминдорлар ерларида ишловчилар синфи ҳамда иқтисодий ҳаётга оид ер эгалиги шакллари, солиқлар, мажбуриятлар ва ҳукмдорларнинг бу борада олиб борган сиёсати ҳақида маълумот” [8:2] олиш мумкинлиги таъкидланади.

Методологик манбалар қаторида Зиёдулла Муқимовнинг “Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи” [10:1] китобида жамланган тарихий материалларнинг бойлиги ва илмийлиги жиҳатидан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўз эҳтиёжидан ташқари хусусий ёки шерикликдаги мол-мулкни вақф қилиш мулккий-ҳуқуқий процессуал муносабатларидан бирини амалга ошириш деб баҳоланса, ундан келиб турадиган даромадни мухтожларга тақсимлаб бериш нияти диний ақидага кўра моддий-маънавий жорий садақа қилиш амали сифатида баҳоланади. Чунки вақф қилиш замирида аввало Аллоҳ йўлида савобли иш қилиш нияти ётади.

Фуқаро ўзига тегишли ерини масжид қилиниши учун берса, уни қайтариб олиш, сотиш ёки мерос қилиб қолдириш ҳуқуқлари тўхтайди. Масжид қуриш учун берилган ер бандаларнинг ҳаққидан чиқиб, холис Аллоҳ учун аталган дахлсиз мулк объектига айланади, яъни банда ўзига оид бўлган ҳақни ўзидан соқит қилса, ҳақ аслига қайтади яъни, асл эгасига қайтади. Шунда, бандадан уни ишлатиш ҳуқуқи узилади, худди қулни озод қилганидаги каби яъни, қулни озод қилгач, уни қайта қулга айлантира олмагани каби. Агар масжиднинг атрофи харобага айланиб, масжиддан беҳожат бўлиб қолинса яъни, одамлар унда намоз ўқимай қўйишса ҳам, у масжид масжидлигича

колаверади яъни, масжид қилиб олинган ерни эски эгаси қайтариб ололмайди, сотолмайди ва меросга ҳам айланмайди. Чунки ерини масжидга айлантирган киши ўзидан эгалик ҳуқуқини соқит қилган. Шундай экан, ушбу ер унинг мулкига қайтмайди.

Ким мусулмонлар учун сув иншооти ёки мемонхона ёки работ (чегара ҳудудидаги мусофирхона) курса ёки ерини қабристон қилса ва уларни вақф қилса, Абу Ҳанифа (р.х.) га ҳоким бу хусусда ҳукм чиқармагунича, ушбу жойлар унинг мулки ҳисобидан чиқмайди (гарчи уларни мутаваллийга топширган бўлса ҳам). Чунки, у жойлар банданинг ҳаққи эканлигидан ҳали чиқмаган бўлади. Масалан у ўша мусофирхонада яшаши, работга чегара ҳудудидаги мусофирхонага келиб тушиши, сув иншоотидан сув ичиши ва қабристонига дафн этилиши мумкин.

Шундай экан, улар унинг мулки ҳисобидан чиққани хусусида ҳоким ҳукм чиқарган бўлиши ёки шу жойларни вақф қилган киши “вафотимдан сўнг вақф бўлсин”, деб айтган бўлиши шарт қилинади шунда унинг айтган ушбу сўзи васияти ўрнида бўлиб, вафотидан сўнг кучга киради, худди ерини фақирларга вақф қилганидагидек яъни, бунда ҳам вақф кучга кириши учун ҳокимнинг ҳукми ёки вақф қилувчи вақфини ўз ўлимига боғлаб қўйган бўлиши шартдир. Бирок, масжиднинг ҳукми бундай эмас яъни, бунда ҳоким унинг эгалик ҳуқуқи қўлидан чиққани хусусда ҳукм чиқариши шарт эмас.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Фикҳий йўналишлар ва китоблар. “Nilol” нашриёт-матбааси. – Тошкент, 2020.
2. Ҳилол ибн Яҳё ибн Салама Раъй Басрий. Китоб ал-аҳкомил-вақф. – Ҳайдаробод, 2003. – Б. 44.
3. Ҳусомиддин Умар ибн Абдулазиз ибн Моза Бухорий. Китоб ал-вақф. – Байрут, 2014.
4. Алиева. К.Р. “Ал-Ҳидоя” асарида мулкӣ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиниши. Диссертация материали. Тошкент – 2012.
5. Муқимов. З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқ тарихи. Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Тошкент: “Адолат”, 2003. – Б. 280. Қўшимча маълумот учун қаранг: www.ziyouz.com/kutubxonasi
6. Шлыков. П.В. Вақфы в контексте социально-политической жизни стран исламского мира в XX в. Москва, 2012.
7. Арминий Вамбери. Путешествие по Средней Азии. – Москва: Восточная литература, 2003.
8. Ачилова Г. XIII–XIV асрга оид вақф ҳужжатларида Бухоро ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир масалаларнинг акс этирилиши // Шарқшунослик, 2018, № 3.
9. Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқ тарихи. Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Тошкент: “Адолат”, 2003.